



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 22 » апрель

№ПК-4691

Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ва имкониятларини ошириш, шунингдек, бюджетни, қишлоқ хўжалиги, коммунал ва энергетика соҳаларидаги корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Халқаро молия институтлари (кейинги ўринларда – ХМИ) билан умумий қиймати 3 млрд АҚШ долларидан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатларига қарши курашиш чора-тадбирлари учун грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – Йўл харитаси) 1-иловага мувофиқ;

Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи гуруҳ) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагиларни таъминлаш Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

Йўл харитасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

ХМИ иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ тезкор қарорлар қабул қилиш;

ХМИ маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар, биринчи навбатда, тиббий ускуналар ва тиббий буюмлар харид қилишнинг жадаллаштирилган механизмларини амалиётга жорий этиш;

жалб қилинган ХМИ маблағларининг тегишли вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига ажратилишини тезлаштириш;

ташқи ёрдам ҳисобидан молиявий кўмак олувчи вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ХМИ қарзлари ва грантларидан фойдаланишда шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш.

4. Соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш учун ХМИ грант ва қарз маблағларини жалб қилишда қуйидагилар устувор мақсадлар этиб белгилансин:

республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан модернизация қилиш, ташкилий тамойиллар, стандартлар ва жавоб қайтариш протоколларининг эпидемиологик вазият ўзгаришларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро стандартлар ва илғор амалиётларга мувофиқ техник жиҳозлаш ва мутахассисларни тайёрлаш;

республиканинг ҳар бир ҳудудида халқаро стандартларга мувофиқ жиҳозланган санитария-эпидемиология лабораторияларини ташкил қилиш;

санитария-эпидемиология хизматининг барча бўғинларида ишлашга малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, халқаро тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш;

юқумли касалликларни илғор компьютер технологиялари ва телетиббиёт усулларида фойдаланган ҳолда, энг аввало, болалар ва оналарни даволаш учун замонавий клиникалар яратиш ва жиҳозлаш.

5. Қуйидагилар масъул ижро этувчи агентликлар этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – республика соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматини мустаҳкамлаш учун жалб қилинаётган ХМИнинг қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

Энергетика вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг тегишинча энергетика ва коммунал соҳаларидаги корхоналар айланма маблағларини молиялаштириш учун жалб қилинадиган қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги – бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМИ қарзларини жадал жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги – мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун ХМИ томонидан тақдим этилаётган кредит линияларини ўз вақтида жалб қилиш ва жадал ўзлаштириш юзасидан.

Масъул ижро этувчи агентликларга молиялаштирувчи ХМИ билан келишилган ҳолда тендер савдолари ва харидларни ўтказмасдан БМТ ташкилотларининг глобал платформалари орқали дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни тўғридан-тўғри харид қилишга рухсат этилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

уч кун муддатда Осиё тараққиёт банкига республика санитария-эпидемиология хизматини модернизация қилиш учун 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича сўров юборсин;

ўн кун муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур лойиҳа концепциясини ОТБ билан келишсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги фармацевтика тармоғининг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, шунингдек, юқумли ва бошқа касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун замонавий самарали препаратлар ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга қаратилган “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш лойиҳасининг молиялаштириш манбалари юзасидан 2020 йил 15 майга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (С. Умурзоқов):

инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида ижро этувчи агентликлар, масъул вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари вакилларининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларини ҳафтада икки марта эшитган ҳолда Йўл харитасининг самарали бажарилишини таъминласин;

ҳар ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Йўл харитасининг ижроси юзасидан маълумотларни киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМЙнинг қарзларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун қарзларни жалб қилиш графигини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига графикларнинг ижроси тўғрисида ахборот тақдим этиб борсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари А.А. Пайгамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатларига қарши курашиш чора-тадбирлари учун грантлар
ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича
“Йўл харитаси”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш (277,5 млн доллар)				
1.	“Ўзбекистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш” ва “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш” лойиҳалари бўйича ИТБнинг тежалган маблағлари ҳисобидан Зангиота туманидаги 10 минг ўринли янги клиникани жиҳозлаш. Қиймати – 17,16 млн доллар.	1. ИТБ билан тиббий ускуналар ва жиҳозларни етказиб бериш шартномасига қўшимча битимни келишиш. 2. Етказиб берувчи билан шартномага қўшимча битимни имзолаш. 3. ИТБга шартнома бўйича маблағларни тўлаш тўғрисида сўров юбориш. 4. ИТБ томонидан тўловнинг тўланиши. 5. Ускуналарни етказиб бериш.	2020 йил 24 апрель 2020 йил 24 апрель 2020 йил 24 апрель Шартномага мувофиқ 2020 йил апрель-май	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Вафеев</i>), Молия вазирлиги (<i>Шарахметов</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>)
2.	Зангиота туманидаги юқумли касалликлар клиникаси ва Юқоричирчиқ туманидаги карантин зонасининг қурилиш	1. ИТБ билан қурилиш ишлари ҳажми ва талаб этиладиган жиҳозларни келишиш.	2020 йил 24 апрель	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Вафеев</i>),

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>ва жиҳозлаш, шунингдек, Чилонзор туманидаги болалар шифохонаси ва перинатал марказини жиҳозлаш ишларини ИТБнинг “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” ва “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини тиклаш” лойиҳалари бўйича тежалган маблағлари ҳисобидан яқунлаш. Қиймати – 46 млн доллар.</p>	<p>2. ИТБ билан клиникалар қуриш ҳамда тиббий ускуналар ва жиҳозлар етказиб бериш шартномаларини келишиш. 3. Пудратчилар ва етказиб берувчилар билан тузиладиган шартномаларни ИТБ билан келишиш. 4. Қарз битимларига ўзгартиришлар киритиш. 5. ИТБга шартнома бўйича маблағларни тўлаш тўғрисида сўров юбориш. 6. ИТБ томонидан тўловнинг тўланиши.</p>	<p>2020 йил 30 апрель 2020 йил 5 май 2020 йил 10 май 2020 йил 13 май Шартномага мувофиқ</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Молия вазирлиги (Шарахметов)</p>
3.	<p>ОТБнинг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни ривожлантириш” лойиҳаси бўйича тежалган маблағлари ҳисобидан 1 800 та ўпкани сунъий вентиляциялаш аппаратлари ҳамда тиббий ускуналар ва жиҳозларни сотиб олиш. Қиймати – 22,32 млн доллар.</p>	<p>1. Ўпкани сунъий вентиляциялаш аппаратлари ва тиббий буюмлар етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш. 2. Ускуналарни етказиб беришни ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил 24 апрель 2020 йил май–август</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев)</p>
4.	<p>Жаҳон банкининг “Шошилич тиббий ёрдамни такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича тежалган маблағлари ҳисобидан 506 та ўпкани сунъий</p>	<p>Имзоланган шартномага мувофиқ етказиб беришни ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил май–август</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	вентиляциялаш, 40 та кўчма рентген аппаратлари, тестлар ўтказиш учун ПЦР-аппаратлар ва тиббий буюмлар сотиб олиш. <i>Қиймати – 7,55 млн доллар.</i>			
5.	Соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш учун Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкidan (ОИИБ) 100 млн долларгача миқдорда маблағлар жалб қилиш.	<ol style="list-style-type: none">1. Концепция ва молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларни шакллантириш ҳамда сўровномани Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этиш.2. ОИИБга расмий сўров юбориш.3. Лойиҳа ва қарз ҳужжатларини келишиш.4. Қарз музокараларини ўтказиш.5. Тендер тартиб-таомилларини эълон қилиш.6. Лойиҳа ТИАСини ишлаб чиқиш ва экспертиза органлари билан келишиш.7. Лойиҳанинг ОИИБ Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши.8. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.9. ОИИБ билан қарз битимини имзолаш.	<p>2020 йил 28 апрель</p> <p>2020 йил 30 апрель</p> <p>2020 йил 17 июль</p> <p>2020 йил 17 август</p> <p>2020 йил 20 август</p> <p>2020 йил 31 август</p> <p>Келишувга кўра</p> <p>2020 йил 15 сентябрь</p> <p>2020 йил 25 сентябрь</p>	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Вафаев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Молия вазирлиги (<i>Шарахметов</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
6.	<p>Жаҳон банкининг 95,0 млн доллар миқдордаги янги қарзини жалб қилиш, улардан: 34,5 млн доллар – соғлиқни сақлаш тизими учун; 60,5 млн доллар – Давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини молиялаштириш учун.</p>	<p>1. Қарз музокараларини ўтказиш. 2. Жаҳон банки томонидан маъқулланиши. 3. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 4. Қарз битимини имзолаш.</p>	<p>2020 йил 24 апрель 2020 йил 30 апрель 2020 йил 7 майга қадар 2020 йил 20 майга қадар</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Шарахметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов)</p>
7.	<p>“Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси ҳисобидан Европа инвестиция банкининг 50 млн долларгача маблағини соғлиқни сақлаш тизими мақсадларига жалб қилиш.</p>	<p>1. Концепция ва молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларни шакллантириш ҳамда сўровномани Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этиш. 2. ЕИБга расмий сўров юбориш. 3. Лойиҳанинг ЕИБ Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши. 4. ЕИБ ва Молия вазирлиги ўртасидаги Лойиҳа бўйича ҳадли битимга ўзгартиришлар киритиш. 5. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил 15 май 2020 йил 20 май Келишувга кўра 2020 йил 25 май 2020 йил 29 май</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Молия вазирлиги (Шарахметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), УЖКХКВ (Солиев), Адлия вазирлиги (Давлетов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		6. Тендер тартиб-таомилларининг бошланиши. 7. ЕИБ томонидан ишлатилган маблағларнинг тўлдирилиши.	2020 йил 22 июнь 2020 йил 25 декабрь	
8.	Республика санитария-эпидемиология хизматини модернизация қилиш мақсадларига ОТБнинг 100 млн доллар миқдордаги кредитини жалб қилиш.	1. ОТБга узоқ муддатли имтиёзли кредит тақдим қилиш сўровини юбориш. 2. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш ва ОТБ билан келишиш. 3. Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш. 4. Қарз музокараларини ўтказиш. 5. Лойиҳанинг ОТБ Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши. 6. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 7. ОТБ билан қарз битимини имзолаш. 8. Ускуналар сотиб олишни ташкил қилиш. 9. Молиялаштириш ва ускуналарни етказиб бериш.	2020 йил 25 апрель 2020 йил 30 апрель 2020 йил 30 май 2020 йил 15 июнь Келишувга кўра 2020 йил июль–август 2020 йил июль–август 2020 йил 1 июль 2020 йил июль–сентябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Молия вазирлиги (Шарахметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев)
II. Тадбиркорлик ва банк тизимини қўллаб-қувватлаш (700 млн доллар)				
9.	Давлат кафолатисиз ЕТТБнинг 220 млн доллар миқдордаги	1. ЕТТБнинг Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши.	2020 йил 1 май	Ўзмиллийбанк (Мирсоатов),

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>кредит линиялари ва савдо молиялаштиришини Ўзмиллийбанк (70 млн), Асакабанк (60 млн), Ўзсаноатқурилишбанк (60 млн) ва Ипотекабанкка (30 млн) жалб қилиш.</p>	<p>2. Тижорат банклари ва ЕТТБ ўртасида қарз битимларининг имзоланиши. 3. Молиялаштиришни очиш ва лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш.</p>	<p>2020 йил 10 май 2020 йил 1 июнга қадар</p>	<p>Асакабанк (Сайдуллаев), Ўзсаноатқурилиш банк (Аннакличев), Ипотекабанк (Атабаев)</p>
10.	<p>Экспортёрлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштириш мақсадида ОИИБнинг 200 млн долларгача миқдордаги кредит линиясини жалб қилиш.</p>	<p>1. Кредит шартларини келишиш. 2. Қарз битимларини келишиш. 3. ОИИБ Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши. 4. Қарз битимининг имзоланиши. 5. Молиялаштиришни очиш ва лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш.</p>	<p>2020 йил 1 май 2020 йил 15 май 2020 йил 30 май 2020 йил 10 июнь 2020 йил 30 июнь</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Умурзоқов), Ўзмиллийбанк (Мирсоатов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев)</p>
11.	<p>Мева-сабзавот секторидagi корхоналарни молиялаштириш мақсадида ЖАЙКАнинг 200,0 млн долларгача миқдорда қўшимча кредит линиясини жалб қилиш (Япония ҳукумати томонидан маъқулланиши лозим).</p>	<p>1. ЖАЙКАга расмий сўров юбориш. 2. Лойиҳа ва юридик ҳужжатларни тайёрлаш ва келишиш. 3. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 4. Қарз битимини имзолаш. 5. Иштирок этувчи тижорат банклари билан субқарз битимларини имзолаш ва кредит линиясини ўзлаштиришни бошлаш.</p>	<p>2020 йил 28 апрель 2020 йил 20 июль 2020 йил 27 июль 2020 йил 30 июль 2020 йил 20 август</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (Умурзоқов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов), Молия вазирлиги (Исаков), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
12.	<p>Экспортёрлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига кредит линиялари учун “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси ҳисобидан Европа инвестиция банкининг 80 млн доллар миқдоридаги маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ЕИБга расмий сўров юбориш. 2. Лойиҳанинг ЕИБ Директорлар Кенгаши томонидан тасдиқланиши. 3. ЕИБ ва Молия вазирлиги ўртасида Лойиҳа бўйича ҳадли битимга ўзгартиришлар киритиш. 4. ЕИБ билан ҳадли битимга киритилган ўзгартиришларни имзолаш. 5. Иштирок этувчи тижорат банклари ва Молия вазирлиги ўртасида қайта кредитлаш бўйича битим тузиш. 6. Ишлатилган маблағларнинг ЕИБ томонидан тўлдирилиши.</p>	<p>2020 йил 28 апрель Келишувга кўра 2020 йил 20 май 2020 йил 22 июнь 2020 йил 25 июнь 2020 йил 25 декабрь</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Молия вазирлиги (Исаков), Микрокредитбанк (Бутаев), Ўзсаноатқурилиш банк (Аннакличев), Ҳамкорбанк (Хасанов), Қишлоқ қурилиш банк (Муратов)</p>
<p>III. Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш (1,7 млрд доллар, 150 млн евро), Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг ресурс базасини шакллантириш ва Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш</p>				
13.	<p>Ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси (2-транш) юзасидан қўшимча молиялаштириш сифатида Жаҳон банкдан 200 млн доллар миқдорида қарз жалб қилиш.</p>	<p>1. Қарз музокараларини ўтказиш. 2. Жаҳон банки Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши учун лойиҳани киритиш. 3. Лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш.</p>	<p>2020 йил 30 апрель Келишувга кўра 2020 йил 20 май</p>	<p>Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Иқтисодий</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мuddатлари	Масъул ижрочилар
		<p>4. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>5. Қарз маблағларини ўзлаштириш.</p>	<p>2020 йил 25 май</p> <p>2020 йил 29 май</p>	<p>тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Марказий банк (Нурмуратов)</p>
14.	<p>Иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш учун Жаҳон банкининг (3-транш) (500 млн доллар) ва ЖАЙКАнинг (300 млн доллар, Япония ҳукумати томонидан тасдиқланиши лозим) қарз маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>1. Жаҳон банки ва ЖАЙКА билан биргаликда иқтисодий ислохотлар матрицаси (индикаторлари)ни тайёрлаш.</p> <p>2. Иқтисодий ислохотлар матрицасида кўзда тутилган дастлабки чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>3. Лойиҳани Жаҳон банки ва ЖАЙКА Директорлар кенгашига маъқуллаш учун киритиш.</p> <p>4. Қарз маблағларини жалб қилиш тўғрисида Президент қарори лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>5. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>6. Қарз маблағларини ўзлаштириш.</p>	<p>2020 йил апрель–июль</p> <p>2020 йил май–октябрь</p> <p>2020 йил июль–август</p> <p>2020 йил 20 август</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил октябрь–декабрь</p>	<p>Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Марказий банк (Нурмуратов), вазирлик ва идоралар</p>
15.	<p>Коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун ОТБдан 500 млн доллар миқдорида бюджетни қўллаб-қувватлаш қарз маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>1. Қарз музокараларини ўтказиш.</p> <p>2. Лойиҳани ОТБ Директорлар кенгашига маъқуллаш учун киритиш.</p> <p>3. Лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш.</p>	<p>2020 йил апрель–май</p> <p>Келишувга кўра</p> <p>2020 йил июнь</p>	<p>Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Иқтисодий тараққиёт</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>4. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>5. Қарз маблағларини ўзлаштириш.</p>	<p>2020 йил 20 июль</p> <p>2020 йил июль–август</p>	<p>вазирлиги (Норкулов), Марказий банк (Нурмуратов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
16.	<p>Энергетика соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш учун ОТБ (200 млн доллар) ва Франция тараққиёт агентлигининг (150 млн евро) бюджетни қўллаб-қувватлаш қарз маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>1. ОТБ ва Франция тараққиёт агентлиги билан биргаликда энергетика ислоҳотлари матрицаси (индикаторлари)ни тайёрлаш.</p> <p>2. Энергетика ислоҳотлари матрицасида кўзда тутилган дастлабки чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>3. Лойиҳани ОТБ ва Франция тараққиёт агентлиги Директорлар кенгашига келишиш учун киритиш.</p> <p>4. Қарз маблағларини жалб қилиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>5. Қарз битимини имзолаш.</p> <p>6. Қарз маблағларини ўзлаштириш.</p>	<p>2020 йил апрель–май</p> <p>2020 йил май–ноябрь</p> <p>Келишувга кўра</p> <p>2020 йил 20 август</p> <p>2020 йил 25 сентябрь</p> <p>2020 йил ноябрь–декабрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги (Султанов), Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкулов), Марказий банк (Нурмуратов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
IV. Коммунал ва энергетика корхоналарини бир маромда ишлашини таъминлаш (300 млн доллар)				
17.	<p>Республика бўйлаб инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун, шу жумладан ЭИЗнинг коммунал ва энергетика тармоқларига уланишини сифатли таъминлаш мақсадида ОИИБнинг 200 млн долларгача миқдордаги маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>1. Лойиҳа концепциясини шакллантириш. 2. ОИИБга расмий сўров юбориш. 3. Лойиҳа қарз ҳужжатларини келишиш. 4. Тендер тартиб-таомилларини бошлаш. 5. Лойиҳа бўйича ОИИБ Директорлар кенгашининг розилигини олиш. 6. Қарз маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш. 7. ОИИБ билан қарз битимини имзолаш.</p>	<p>2020 йил 30 апрель 2020 йил 5 май 2020 йил 15 июль 2020 йил 15 июль 2020 йил 15 июль 2020 йил 3 август 2020 йил 10 август</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), УЖКХКВ (Солиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p>
18.	<p>Коммунал ва энергетика корхоналарининг айланма маблағларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ЕТТБнинг 100,0 млн долларгача миқдордаги маблағларини жалб қилиш.</p>	<p>1. Ҳукуматнинг маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги расмий аризасини йўллаш. 2. Қарз музокараларини ўтказиш. 3. Қарз маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш. 4. Қарз битимини имзолаш. 5. Молиялаштиришни очиш ва лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш.</p>	<p>2020 йил 28 апрель 2020 йил май-июнь 2020 йил 22 июнь 2020 йил 10 июль 2020 йил 21 сентябрь</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Исаков), УЖКХКВ (Солиев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
V. Грантлар (30,6 млн доллар)				
19.	Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукуматининг 9,7 млн доллар миқдоридаги грант маблағларини ўзлаштириш.	Тошкент шаҳар Чилонзор туманида болалар клиникасини қуриш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини яқунлаш.	2020 йил 1 май	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Артиқходжаев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Вафаев</i>)
20.	Европа Иттифоқининг 3,2 млн доллар миқдорида грант маблағларини ўзлаштириш.	<p>1. Грант маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тиббий ускуналар ва буюмлар рўйхатини келишиш.</p> <p>2. Харид тартиб-таомилларни ташкил этиш.</p> <p>3. Грант маблағларини бошқаришда иштирок этадиган миллий жамоат ташкилотларини аниқлаш.</p> <p>4. Грант маблағларини бошқариш ва уларни ўзлаштириш бўйича шартномалар тузиш.</p>	<p>2020 йил 25 апрель</p> <p>2020 йил 25 апрель</p> <p>2020 йил 30 апрель</p> <p>2020 йил май-сентябрь</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Вафаев</i>), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (<i>Баситханова</i>)</p>
21.	Корея Ҳукуматининг 250 минг доллар миқдоридаги грант маблағларини ўзлаштириш.	<p>1. Грант маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тиббий буюмлар рўйхатини келишиш.</p> <p>2. Харидларни ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил 30 апрель</p> <p>2020 йил 10 май</p>	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
				вазирлиги (<i>Вафоев</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>Арзиев</i>)
22.	Халқаро ташкилотларнинг жами 17,2 млн доллар миқдоридаги қўшимча грантларини жалб қилиш.	1. Донор ташкилотлар билан грант шартномалари ва ҳужжатларини имзолаш. 2. Грант маблағларини ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш.	2020 йил 1 июнга қадар Ўзлаштирилишига қараб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Вафоев</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>Арзиев</i>)

**Грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли
молиялаштиришни жалб қилиш бўйича
мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби**

1. С. Умурзоқов – Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, *гуруҳ раҳбари*
2. А. Шадманов – соғлиқни сақлаш вазири
3. Ш. Вафаев – инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари
4. О. Исаков – молия вазири ўринбосари
5. Ш. Шарахметов – молия вазири ўринбосари
6. Б. Юсупалиев – соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари – Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори
7. И. Норкулов – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари
8. А. Мирсоатов – Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарув раиси
9. С. Аннакличев – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқарув раиси
10. Н. Сайдуллаев – “Асака” АТБ бошқарув раиси
11. Ш. Атабаев – “Ипотека-банк” АТИБ бошқарув раиси
12. Ш. Абидов – Вазирлар Маҳкамаси котибият мудир
13. Ж. Турғунов – Вазирлар Маҳкамаси котибият мудир

* Изоҳ: гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

